

“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
 АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING
 67 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

31 январ 2025 йил

Тўлиқ номи: “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

Қисқартирилган номи: “InFinBank” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Акциядорлар умумий йиғилиши тури: Навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:

Тегшили материалларни Акциядорлик умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориши. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиши ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк Кенгашининг 2025 йил 09 январдаги 5 - сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси: 2025 йил 31 январ

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиши бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиши тугаган вақти: соат 16:30

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Корпоратив ахборот ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2025 йил 09 январ санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

Умумий йиғилишда қатнашдилар:

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Жисмоний шахслар:		504 860 614	60,09%
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, IV 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	476 602 177	56,73%
Абдусамадов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан	28 258 437	3,36%

	04.07.2015 йилда берилган.		
Юридик шахслар:		335 268 480	39,91%
“Prestij Rielt” МЧЖ ҚК	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD 5441644, ИВ 26296 томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).	271 653 784	32,33%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадилов Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, ИВ 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	63 614 696	7,57%
Ҳаммаси, шу жумладан		840 129 094	100,00%

2025 йил 27 январ ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 840 129 094 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 840 129 094 тани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк Кенгаши раиси **Маматджанов Фарход Фахритдинович** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Маматджанов Фарход Фахритдиновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Мирсабитов Хикмат Суннатовични**, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Ильхам Рустамович** ва **Кадилов Абдурашид Абдуваситовични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш Раиси:	Банк Кенгаш Раиси Маматджанов Фарход Фахритдинович
Йиғилиш Раёсати:	Банк акциядорлари Кадилов Абдурашид Абдуваситович Юлдашев Ильхам Рустамович
Йиғилиш Котиби:	Корпоратив консултант Мирсабитов Хикмат Суннатович
Таклиф этилганлар:	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
3. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши таркибига сайлов ўтказиш;
4. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
5. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Ички Низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
6. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1-масала. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 15 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 5 дақиқа.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 5 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Розилар – 840 129 094 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2-масала. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, ўзи ўз хохишига кўра Банкнинг амалдаги Кузатув Кенгаш аъзоси Солижон Хасанович Хасанов томонидан 2024 йил 12-декабрда Кузатув Кенгаш таркибидан чиқиш

тўғрисида ариза киритилганини ва унинг ваколатлари муддатидан илгари яъни 02.01.2025 йилдан тугатилиши лозим эканини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатида эканлиги таъкидланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Солижон Хасанович Хасанов Банкнинг Кенгаш аъзоси сифатида ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилган.

Муҳокама давомида, акциядорлар томонидан Банк Кенгаш аъзоси Солижон Хасанович Хасановнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш таклиф этилди.

Шундан сўнг, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. *“InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоси Солижон Хасанович Хасановнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.*

Овоз бериш натижалари:

Розилар – 840 129 094 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

3-масала. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши таркибига сайлов ўтказиш.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади. “InfinBank” АЖ Уставига асосан Банк кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 129-бандига асосан Банк кузатув кенгаши аъзосининг бўшаб қолган лавозимларга, уларнинг сони Банк Уставида белгиланган миқдордан 75 фоиз ёки ундан камини ташкил этса ва (ёки) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган энг минимал талабдан камроқни ташкил этса, қисқариш натижасида уларнинг миқдори жуфт сонни ташкил этса, мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Банк акциядорлари муҳокамасига Банк Кузатув Кенгаши йиғилишининг қарорига асосан янги Кенгаш аъзолигига мустақил аъзо Фируза Исхакова номзодини киритиш таклиф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларига мувофиқ, банкнинг Кузатув Кенгаш аъзолигига чет эллик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш йўли билан халқаро тажрибани ва замонавий корпоратив бошқарувининг илғор услубларини жорий этиш, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида кузатув кенгаши таркибига янги мустақил аъзосини сайлаш учун норезидент жисмоний шахс, халқаро чет эл малака тажрибасига эга Фируза Исхакова номзодини тасдиқлаш киритилган.

Фируза Исхакова - Марказий Осиё, Кавказ ва Ғарбий Болқондаги молиявий институтлар ва халқаро молиявий инвесторлар доирасидаги кенг қамровли алоқалар тармоғи ҳамда ноёб чуқурлиги ва кенглигига эга бўлган тажрибали банк мутахассиси ва бошқарув ва кенгаши аъзоси. Ривожланиш ва инвестиция фаолияти соҳасида 23 йиллик тажрибага эга, шу жумладан, беш йилдан ортиқ директорлар кенгашида бошқарув раиси ва кадрлар қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. Акциядорлик ва хиссадорлик лойиҳаларини муваффақиятли бошқариш, лойиҳа самарадорлигини доимий мониторинг қилиш, ходимлар ва функцияларни бошқариш, ҳамкорлар, донорлар, шериклар ва маҳаллий ҳукумат амалдорлари билан мустаҳкам бизнес алоқаларини ўрнатиш тажрибасини намойиш этади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мустақил аъзо Фируза Исхаковани номзоди Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилди, ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, кенгаш аъзолари уч йил муддатга сайланиши эслатиб ўтилди.

Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан апрофлича ўрганилди ва Банк Кенгаши таркибига киритиш учун таклиф этилаётган номзод Фируза Исхаковани 2025 йил 1 февралдан бошлаб Банк Кенгаши таркибига киритиш лозимлиги айtilди. Шундан сўнг, йиғилиш Раиси томонидан ушбу масала бўйича тегишли тартибда овоз бериш сўралди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

Фируза Саидэхсоновна Исхакова - 840 129 094 та овоз.

4-масала. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов Кенгаш аъзоси Б.Н. Бурхановга сўз берди. Кенгаш аъзоси Б.Н. Бурханов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банкнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган баъзи бир ўзгартиришлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга асосан, Кенгаш ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш учун кенгаш томонидан махсус қўмиталар ташкил қилиниши ва уларнинг иш фаолияти йўлга қўйилиши лозим. Шунга асосан, Банкда таваккалчиликни самарали бошқариш мақсадида кенгаш таваккалчиликларни бошқариш қўмитасини ташкил этиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиб уни янгитдан тасдиқлаш лозимлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 18.04.2023 йилдаги “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида”ги 3427-сонли Низоми талабларига асосан кузатув кенгаши таваккалчилик бўлинмасини бошқаришга масъул таркибий бўлинмани ташкил этиши ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаши кераклиги ва ушбу бўлинма кузатув кенгашига ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитасига (агар ташкил этилган бўлса) бевосита бўйсунуши таъкидлаб ўтилган. ““InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомга ва Банк Уставига асосан, Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасини ташкил этиш ва тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасида амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда, Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилгани айтилди ва йиғилиш қатнашчиларидан Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан 1-иловага мувофиқ танишиб чиқиш сўралди.

Йиғилишдаги акциядорлар Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2025 йил 1 февралдан кучга киритилсин.

Овоз бериш натижалари:

Розилар – 840 129 094 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5-масала. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Ички Низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банк фаолиятининг асосий тамойилларини белгиловчи ва зарур йўналишларини мувофиқлаштирувчи ““InFinBank” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, ““InFinBank” АЖ Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги, ““InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари тўғрисида”ги ва ““InFinBank” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Банк Кенгашининг тавсияларига таяниб, банкни стратегик бошқаришда унинг самарадорлигини ошириш ва замонавий корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш мақсадида, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари бўлган тегишли низомларни, ҳамда киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш зарурлигини маълум қилди.

Банкнинг ички низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисида”ги Низоми, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Шундан сўнг, йиғилишдаги акциядорларга ““InFinBank” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, ““InFinBank” АЖ Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги, ““InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари тўғрисида”ги ва ““InFinBank” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомлари лойиҳаси билан иловаларга мувофиқ танишиб чиқишни таклиф этилди.

Акциядорлар Банк Ички меъёрий хужжати бўлган низомлар лойиҳаси билан танишиб чиқгач, йиғилиш раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз беришни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

5.1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.2. “InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.3. “InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.4. “InFinBank” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Розилар – 840 129 094 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

6-масала. «Invest Finance Bank» акциядорлик жамиятининг Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Мазкур масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Банк Уставига Банк Кузатув Кенгаши таркибини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш киритиш лозим эканини ва мажлис иштирокчиларини “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Банк акциядори “PRESTIJ RIELT” МЧЖ ҚҚ директори И.Р.Юлдашев Банк фаолиятини яқинроқ кузатиш мақсадида банк Кузатув Кенгаши аъзолигига ўз номзодини киритишни сўраб мурожат қилган (07.01.2025 07/01-сонли мурожатнома). Мажлисда ушбу мурожатини кўриб чиқиб, банк уставига Кузатув Кенгаши сон таркиби 5 кишидан иборат этиб белгиланганлиги сабабли, уни қониқтириш мақсадида, дастлаб банк уставига кўрсатилган Кузатув кенгашининг сон таркибига ўзгартириш киритиш кераклигини маълум қилди.

Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган. Шунингдек, Банк Кузатув Кенгаши таркибини 7 (етти) кишидан иборат таркибда белгилаш кўзда тутилган.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда мажлис раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз бериш учун якуний қарорларни эълон қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

6. “InFinBank” АЖ Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Розилар – 840 129 094 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:
 - асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
 - қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
 - овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 5 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. “InFinBank” АЖ Кузатув Кенгаши аъзоси Солижон Хасанович Хасановнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3. “InFinBank” АЖ Кузатув Кенгаши таркибига мустақил аъзоси сифатида Фируза Саидэхсоновна Исхакова сайлансин:

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2025 йил 1 февралдан кучга киритилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

5.1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.2. “InFinBank” АЖ Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.3. “InFinBank” АЖ Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.4. “InFinBank” АЖ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

6. “InFinBank” АЖ Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини яқунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “31” январ 2025 йил.

Йиғилиш раиси

Ф.Ф. Маматджанов

Йиғилиш котиби

Х.С. Мирсабитов